

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ

“ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ” КАФЕДРАСИ

“Тасдиқлайман”

Ўқув-услубий ишлар бўйича
Проректор Б.А.Хўжаев
“ ” 2011 й.

“ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ ИННОВАЦИОН МОДЕЛЛАРИ ”

фанидан

340000 – “Бизнес ва бошқарув” соҳасидаги
5341100 – “Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар”
таълим йўналиши бакалавр талабалари учун

НАМУНАВИЙ ДАСТУР

Маъруза... ..30 соат
Амалий дарс..... 24 соат
Жами... ..54 соат
Курс/семестр..... 4/8

Тошкент - 2011

Аннотация: “Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг инновацион моделлари” курси инновацион иқтисодиётнинг назарий асосларини ўрганишга, шунингдек, ривожланишнинг инновацион моделларининг шарт-шароитларини, омиллари ва ижтимоий-иқтисодий натижалаларини баҳолашнинг таҳлилий кўникмаларини шакллантиришга бағишланган. Курснинг асосий вазифалари – талабаларда инновацион иқтисодиёти доирасида билимлар тизимини макродаражада (инновацион жараёнлар назариялари, инновацион ривожланишнинг концепция ва моделлари, инновацияларнинг умумий тавсифи) ҳамда микродаражада (инновацияларни амалга оширишнинг асосий омиллари, инновацион стратегия танлови) шакллантириш, ҳамда инновацион иқтисодиётнинг ижтимоий жиҳатларини ўрганиш ҳисобланади. Курс “Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар” мутахассисликлари талабалари учун мўлжалланган.

Тузувчи: Тошпўлатова – и.ф.н., ЖИДУ «Иқтисодиёт
Л.М. назарияси» кафедраси доценти.

Такризчилар: Закирова С.А. – и.ф.н., ЖИДУ «Жаҳон иқтисодиёти»
кафедраси мудири.

Гулямова Г.С. – и.ф.н., ЖИДУ «Халқаро савдо ва
инвестициялар» кафедраси мудири.

Дастур “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси йиғилишида (“25” август 2011й. 1-рақамли баённома) муҳокама қилинган, ЖИДУ ўқув-услубий кенгашига тавсия этилган.

Кафедра мудири: Тониянц Г.С.

Дастур Халқаро иқтисодий муносабатлар факультети ўқув-услубий кенгашида (“26” август 2011 й. 1-рақамли баённома) муҳокама қилинган, ЖИДУ ўқув - услубий кенгашига тавсия этилган.

Декан: Хусаинов Ш.А.

Дастур Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ўқув-услубий кенгашида (“29” август 2011 й. 1-рақамли баённома) муҳокама қилинган, тасдиқланган ва нашр учун тавсия этилган.

I. КИРИШ

Жаҳон иқтисодий ривожланишининг замонавий босқичи асосан саноати ривожланган давлатларнинг инновацион жамият шаклланишининг янги босқичига, яъни билимни тўплаш, тарқатиш ва улардан фойдаланишга асосланган иқтисодиётни ўтиши билан намоён бўлади. Интеллектуал (инсон) капиталига инвестиция киритиш ресурсларни жойлаштиришнинг энг самарали усулига айланиб бормоқда. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, мамлакатнинг илғор ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва унинг ташқи бозордаги рақобатбардошлилиги ривожланган миллий инновацион тизимнинг мавжудлиги орқали таъминланмоқда. Демак, миллий инновацион тизим барча элементларининг шпклланиши ва самарали ўзаро таъсири шаклланиши – бундан буён ҳам давлат инновацион сиёсатининг асосий мақсади бўлиб қолмоғи керак. Замонавий шарт-шароитларда амалга ошириш давлатнинг барқарор ривожланишига эришиш ривожланишнинг етарлича аниқ ва маълум бир тури бўлган инновацион ривожланишдаги ривожланиш билан боғлиқдир. Унинг асосида ижтимоий ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигининг ўсиши, жамият ва унинг аъзолари эҳтиёжларини қондириш даражасини ошириш, ҳаёт шарт-шароитларининг сифатини таъминлашга имконият берувчи инновацияларни излаш, тайёрлаш ва амалга оширишнинг узлуксиз ва мақсадли йўналган жараёни бўлади. Моҳиятан, ривожланишнинг инновацион йўналиши илм-фан ютуқларини инсон фаолиятининг барча муҳим йўналишларида қўллаш кўламини кенгайтириш ва уларни фойдаланиш соҳасига киритишни ифодалайди.

Инновацион ривожланиш турини танлашда инновацияларнинг турли хил жиҳатлари бир-бири билан комплекс равишда боғланиб кетади ва улар орасида энг муҳимлари саналмиш технологик, институционал ва ижтимоий кадриятлар каби инновациялар алоҳида ўрин тутаяди. Дунёнинг кўплаб мамлакатлари ҳозирданок нафақат ишлаб чиқариш ва иқтисодиёт самарадорлигини оширишга, балки инсон танловининг эҳтиёжлари ва имкониятларини рўёбга чиқариш даражасини сезиларли ошириш ва ҳаётини фаолият шарт-шароитларини яхшилашни таъминлашга йўл очадиган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдалар.

Бугунги кунда миллий инновацион тизимларни шакллантириш истиқболлари тўғрисидаги масала замонавий иқтисодчилар доирасидаги мунозараларда асосий муҳокама мавзусига айланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов таъкидлаганларидек: “Жаҳон миқёсида глобаллашув ва рақобат тобора

кучайиб бораётган бугунги замонда биз дунёда юз бераётган туб ўзгаришлар жараёнида эгаллаб турган ўрнимизни холисона ва танқидий баҳолашимиз, тобора ошиб бораётган ҳаёт талабларига жавоб беришимиз, кечаётган давр билан ҳамқадам бўлишимиз шарт.

Маълумки, ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди. Шу боис, авваламбор, рўй бериши мумкин бўлган турли фалокатлар, жаҳон иқтисодиётининг юксалиши ва инқирозини олдиндан кўриш имконини берадиган, ҳар томонлама чуқур ўйланган, аниқ мақсад ва устувор йўналишларни ўз ичига олган тараққиёт дастури ва уни амалга ошириш стратегиясига эга бўлган мамлакат ва халқ пировард натижада муваффақиятга эришади”¹. Айнан шу нуқтаи назардан, “...эртанги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўлидаги изчил ҳаракатларимизни кучайтиришимиз, уларни янги, янада юқори босқичга кўтаришимиз даркор”².

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг мавжуд истикболларини мос равишда баҳолаш ва мумкин бўлган йўналишларини белгилаб олиш учун иқтисодий модернизациянинг мавжуд миллий инновацион тизим турларини, таъминланаётган модернизацияни кўриб чиқиш лозим. “Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг инновацион моделлари” курси мазкур вазифаларни ечиш учун ҳам бағишланган. **Курснинг мақсади** – инновацион иқтисодиётнинг назарий асосларини ўрганиш, шунингдек, ривожланишнинг у ёки бу инновацион моделларининг шарт-шароитлари, омиллари ва ижтимоий-иқтисодий натижаларини баҳолашнинг таҳлилий кўникмаларини шакллантиришдан иборат.

Курснинг асосий вазифалари – талабаларда инновациялар иқтисодиёти жабҳасида билимлар тизимини макродаражада (инновацион жараёнлар назариялари, инновацион ривожланишнинг концепция ва моделлари, инновацияларнинг умумий тавсифи) ҳамда микродаражада (инновацияларни амалга оширишнинг асосий омиллари, инновацион стратегия танлови) шакллантириш, инновацион иқтисодиётнинг ижтимоий жиҳатларини ўрганиш ҳисобланади.

Курсни ўрганиш натижасида **талабалар қуйидагиларни билишлари шарт:**

- инновацион иқтисодиётнинг асосий жиҳатлари, унинг таркиби ва ўзига хос хусусиятлари; инновацион ривожланишнинг моделларининг типологияси;

¹ И.А. Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”.

² И.А. Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”.

- инновацион иқтисодиётнинг шаклланишида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш билан боғлиқ турли иқтисодий ва институционал назарияларнинг тугган ўрнини;
- инсон тараққиёти концепциясининг инновацион ривожланиш моделлари билан ўзаро боғлиқлик табиатини; БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига мувофиқ равишда инновацион ривожланишнинг вазифа ва истиқболларини;
- инновацион иқтисодиётда давлатнинг тартибга солиш тамойиллари, давлат функциялари модификациясини, иқтисодий сиёсат мақсадлари ва инструментлари, уни шакллантириш механизмларини;
- глобаллашув жараёни ва инновацион ривожланиш турли жиҳатларининг ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро таъсирини.

Курсни ўрганиш натижасида **талабалар куйидагиларни бажара олишлари шарт:**

- ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар комплекси, шунингдек, инновацион ривожланиш индекслари асосида инновацион ривожланиш сифатини таҳлил қилишни;
- иқтисодий, ижтимоий ва институционал омилларни ҳисобга олган ҳолда, инновацион ривожланишнинг асосий йўналишлари ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилишни;
- барқарор ривожланишнинг мавжуд глобал чақириқлари шароитида мамлакатнинг инновацион стратегияси танловига тегишли алоҳида муҳим муаммоларни ажрата билиш;
- бошланғич шарт-шароитлар ва трансформацион жараёнларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, алоҳида олинган мамлакатга мос келадиган кейинги аниқлаштиришлар билан биргаликда модернизация чора-тадбирларини ўтказиётган мамлакатлар учун хос бўлган умумий қонуниятларни кузатиб бориш ва ажрата билишни.

Бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги. “Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг инновацион моделлари” курси бирталай иқтисодий фан соҳалари билимларига асосланади ва, шу сабабли “Иқтисодиёт назарияси”, “Микроиқтисодиёт”, “Иқтисодий статистика”, “Макроиқтисодиёт”, “Иқтисодий таълимотлар тарихи”, “Жаҳон иқтисодиёти”, “Халқаро иқтисодий муносабатлар”, “Социология” ва бошқа шу каби фанлар билан чамбарчас боғлиқдир.

Курс “Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар” мутахассислиги бўйича 4-курс бакалаврият талабаларига мўлжалланган. Ўқитиш рейтинг тизимида ташкил қилинади. Таълим жараёнида жорий ва оралиқ назорат олиб борилади. Курс охирида талабалар билими ижодий иш ва якуний тест топшириш орқали текширилади. Машғулотларни ўтказиш методлари: маърузалар, семинарлар ва амалий машғулотлар. Семинарларда таклиф этилган муаммоларнинг интерфаол

муҳокама қилиш, муайян вазиятлар таҳлили ва ўйинлар тарзидаги моделлаштириш жараёнларида маъруза матнлари бўйича олинган билимлар мустаҳкамланади.

Талабаларга танлаган мутахассисликларига қараб, курснинг мазкур турдаги дастурлари асосида қўйилган талабларни ҳисобга олган ҳолда алоҳида ишчи дастурларни ишлаб чиқиш тавсия этилади.

“Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг инновацион моделлари” фанига ажратилган ўқув соатлари тақсимооти

№	Мавзу	Умумий соатлар сони	Аудитория соатлари		Мустақил иш
			Маъруза	Семинар машғулоти	
1	Инновацион ривожланиш тури	5	2	1	2
2	Асосий иқтисодий назарияларда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг инновацион моделлари	5	2	1	2
3	Инсон тараққиёти инновацион ривожланишнинг мақсади сифатида	6	2	2	2
4	Инновацион ривожланиш турида ижтимоий-иқтисодий тараққиётни ўлчаш ва унинг мониторинги	6	2	2	2
5	Замонавий иқтисодий ўсиш ва “янги иқтисодиёт”. Иқтисодий ўсишнинг янги моделлари (инсон капиталининг улуши)	6	2	2	2
6	Инновацион ривожланиш ва жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий табақаланиши муаммоси	6	2	2	2
7	Билимлар иқтисодиётининг шаклланиши инновацион ривожланиш стратегиясининг асоси сифатида	6	2	2	2

8	Глобаллашув ва инновацион ривожланиш. Жаҳон молиявий-иқтисодий ривожланишнинг қироз ва унинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатларига таъсири	6	2	2	2
9	Инновацион сиёсатнинг мамлакат халқаро рақобатбардошлилигига таъсири	5	2	1	2
10	Инновацион ривожланишнинг макроиқтисодий кўрсаткичларига таъсирини баҳолаш	5	2	1	2
11	Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг институционал жиҳатлари	6	2	2	2
12	Инновацион ривожланишнинг замонавий жаҳон демографик тенденцияларига таъсири. Демографик трансформация модели	5	2	1	2
13	Барқарор ривожланишнинг замонавий моделлари (барқарор ривожланишнинг омиллари, чақирувлари ва муаммолари)	5	2	1	2
14	Инновацион сиёсатни шакллантириш ва амалга ошириш муаммолари. Инновацион сиёсат: амалга ошириш тажрибаси ва янги устувор йўналишлари	6	2	2	2
15	Инновацион ривожланиш моделлари: хориж тажрибаси	6	2	2	2
	Жами:	84	30	24	30

II. АСОСИЙ ҚИСМ

2.1. Маъруза материалларининг мазмуни

1-мавзу. Инновацион ривожланиш тури

Инновацион ривожланишнинг тури тушунчаси. Инновацион ривожланишнинг тури ривожланишнинг замонавий босқичининг ўзига хос белгиси сифатида. Иқтисодий ривожланиш парадигмаларининг алмашинуви ва “билимларга асосланган иқтисодиёт”га ўтиш. Билимлар, ижод ва инновациялар иқтисодий билим рақобатбардошлилигининг асосий омиллари сифатида.

Инновацион иқтисодиётнинг асосий омиллари ва белгилари. Капиталларни жойлаштириш. Инновацион иқтисодиётнинг инфратузилмаси. Инновацион инфратузилма элементлари тизими, унинг функциялари ва тузилмаси. Инновацион инфратузилма кўринишлари: технопарклар, илмий парклар, бизнес инкубаторлар, инновацион-технологик марказлар.

Ривожланиш турларининг алмашинув жараёнида инновацион фаолиятнинг роли. Замонавий дунёнинг технологик ривожланиш жиҳатлари: сиёсий-иқтисодий кўриниш. Инновацион ривожланишни даврлаштириш. Иқтисодиётнинг инновацион ривожланиш турига ўтишининг замонавий ҳолати ва ўзига хос қирралари: муаммолар ва зиддиятлар.

Ривожланишнинг инновацион тури ва ижтимоий жиҳатлари. Ривожланишнинг инновацион тури замонавий муҳит доирасида ижтимоий-иқтисодий мақсадлар мажмуини амалга оширишнинг зарурий шарти сифатида. Ривожланишнинг ижтимоий мақсадлари.

Ижтимоий ишлаб чиқариш ва маданиятнинг ривожланишида инновацияларнинг роли. Инновацион фаолиятнинг эволюцияси. Инновацияларга муносабатнинг маданиятлараро фарқланиши.

Иқтисодиётда инсон ролининг янги манзараси. Инсон капитали. Инсон капитали Т. Шульц назарияларида иқтисодий ўсишнинг манбаи сифатида. Инсон капиталида инновациялар. Инсон тараққиёти.

2-мавзу. Асосий иқтисодий назарияларда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг инновацион моделлари

Инновациялар назарияларининг ривожланиш босқичлари. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг умумий эволюцияси шароитида инновациялар назариясининг асосий оқимлари ва босқичлари.

Ривожланишнинг ҳар бир босқичида (1-босқич: XIX аср охири-XX асрнинг 40-йиллари; 2-босқич: XX асрнинг 40-70 йиллари; 3-босқич: XX асрнинг 70-йиллари – XXI аср боши) инновациялар ривожланишининг етакчи белгилари тавсифи. “Узун тўлқинлар” (1924-1928 йй.) қонуни бўйича Н.Д.Кондратьевнинг иқтисодиётда нотекис ривожланишнинг асослаб берилиши. Й.Шумпетер инновациялар назариясининг асосчиси сифатида. Технологик инновацияларни тадқиқ этиш – Й.Шумпетер, Дж.Бернал, С.Кузнец, Г.Менш, А.Кляйнкнехт, Т.Кун, Дж. Ван Дайн, Б.Твист, Р.Фостер, К.Фримен, Ф.Янсен ва бошқаларнинг илмий ишларида жамиятнинг иқтисодий ўсиши ва ижтимоий тараққиётининг бош омили сифатида.

Инновациялар назариялари ривожланишида замонавий ёндашувлар ва тенденциялар. Й.Шумпетер томонидан фанга “инновациялар” атамасининг киритилиши ва унинг моҳиятининг “бешта типик ўзгаришлар” орқали ифодаланиши. Инновацияларни тушунишнинг фундаментал асослари: инновация-маҳсулотлар, инновация-жараёнлар. “Янгилик” ва “инновация” тушунчалари, уларнинг инновациялар хусусиятларини таҳлил этиш жараёнидаги туб фарқлари. Инновацияларнинг умумий хусусиятлари: илмий техникавий янгилик ҳамда унинг ишлаб чиқаришда қўлланилиши ва тижоратда амалга оширилиши. Й.Шумпетернинг эволюцион иқтисодий назариялар ривожига қўшган ҳиссаси ва унинг талқинидаги иқтисодий ўсишда тадбиркорликнинг роли.

Инновацион жараён моделлари. Инновацион давр(цикл) тушунчаси. Инновациялар бозорини тартибга солиш методологияси: “технологик туртки” ва “бозор талаби” гипотезалари. (Т.Кун, Я.Ван Дейн, Ю.В.Якобец). “Технологик туртки” фаразининг асосий шарт-шароитлари (фандан-бозорга), илмий парадигмалар эволюциясининг таҳлили. Инновацион жараённинг интерфаол модели ва унинг асосий тавсифлари. Инновацияларнинг тизимлилигини тушунишни шакллантириш.

Технологик укладлар концепцияси. Технологик укладларнинг кетма-кет алмашинуви. Технологиялар инновациялар мавжудлигининг универсал шакли сифатида.

“Синган нуқталар”тамойили ва технологиялар алмашинуви. Технологиялар танлови йўли билан ривожланишни бошқариш имконияти. Инновацион технологияларнинг инновацион турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан боғлиқлиги. Узун тўлқинлар ва замонавийлик: VI технологик укладнинг шаклланиши.

“Узун тўлқинлар”нинг асосий замонавий инновацион назариялари. Н.Д.Кондратьевнинг “Узун тўлқинлар” ва тузилмавий инкирозлар назарияси. Кондратьевнинг фикри бўйича иқтисодий

динамиканинг катта давр(цикл)лари хронологияси(бирин-кетин юз бериши).

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг институционал назариялари. Дж.Фостер назариясида яшаш сифатининг баҳоси ва ўлчовлари. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти концепцияларининг шаклланиши. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг асосий элементлари. Д.Белл асарларида пост-индуриал (саноатлаштирилгандан кейинги) жамият назарияларининг ривожланиши. О.Тоффлернинг “учинчи тўлқин” иқтисодиёти концепцияси — ижтимоий бойликларнинг трансформациялари шароитида иқтисодий ривожланишнинг замонавий тенденцияларини баҳоловчи омил сифатида. Иқтисодий ўсиш қадар бўлган даражасидан то инсонлар ҳаёт фаровонлигини баҳоланишнинг сифатни ўлчовларига ривожланиш мақсадларининг трансформацияси.

3-мавзу. Инсон тараққиёти инновацион ривожланишнинг мақсади сифатида

Инсон тараққиёти концепциясининг мазмун-моҳияти. Инсон тараққиёти – одамлар қобилятларидан иқтисодий, ижтимоий, маданий ва сиёсий ҳаётда имкон қадар тўлароқ фойдаланиш учун тенг имкониятларни кенгайтириш жараёни сифатида. Ижтимоий адолат, барқарорлик ва инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш каби тамойилларнинг туб моҳияти. Инсон тараққиёти одамларнинг узоқ, соғлом ва ижодий ҳаёт кечиришлари учун эркинликларини кенгайтириш жараёни сифатида. Барчамизнинг умумий сайёрамизда ривожланишнинг ҳаққонийлиги ва мустаҳкамлигини таъминлашда фаол қатнашиш.

Инсон тараққиёти концепциясининг эволюцияси. Инсон тараққиёти концепциясининг эгилувчанлиги ва очиқлиги. Ривожланган, ривожланаётган давлатлар қатори, ўз навбатида, кам ривожланган давлатлар учун ҳам концепциянинг рамкали чизмаси, унинг ўзига хослиги ва универсал қўлланиши.

Инсон тараққиёти концепциясининг асосий тамойил ва жиҳатлари. Инсон тараққиёти концепциясининг концептуал тузилмаси, унинг асосий уч компоненти: фаровонлик инсоннинг том маънода эркин бўлишини таъминлаш кўрсаткичи сифатида (таркибий қисми); ҳуқуқ имконияти ва ваколатини кенгайтириш; адолат. Инсон тараққиётининг асосий элементлари. Унумдорлик, тенглик ва барқарорлик имкониятларини кенгайтириш.

Инсон тараққиёти ва иқтисодий ўсишнинг ўзаро боғлиқлиги. Иқтисодий ўсишнинг сифат мезонлари. Иқтисодий ўсиш ва инсон тараққиёти ўртасидаги муносабат. Инсонлар ўз салоҳиятларини амалда

намойиш эта олишлари учун тенг имкониятлар. Миллати, ирқи, жинси, яшаш жойи ва фаровонлик даражаси билан боғлиқ тўсиқларни бартараф этиш.

Инсон тараққиёти концепциясининг жамиятнинг ривожланиш назариялари билан шунингдек, асосий эҳтиёжлар, инсон капитали ва инновацион иқтисодиёт билан ўзаро боғлиқлиги. Инсон тараққиёти концепциясини янада ривожлантириш. Барқарор ривожланиш концепцияси ва унинг асосий элементлари. Келажак авлодлар учун имкониятлардан фойдаланиш шароитларини кенгайтириш. Инсон тараққиёти концепцияси шароитида “Вашингтон консенсуси” сиёсати ва неолиберал иқтисодиёт назариясининг танқиди.

Мингйиллик декларацияси жаҳон ҳамжамияти ривожланишининг глобал мақсадларини аниқловчи дастурий ҳужжат сифатида. Мингйиллик тараққиётнинг глобал ва миллий мақсадлари(МТМ)га эришишнинг устувор йўналишлари, муаммолари ва имкониятлари. “Мингйиллик декларациясида (2010 йил 20 сентябрь) расмийлаштирилган ривожланиш даражасида мақсадларга эришиш номидан кўшилиши” юқори даражадаги БМТ Бош Ассамблеясининг якуний ҳужжати. МТМга эришиш тараққиёти ва молиявий-иқтисодий инқирознинг таъсири: муаммо ва имкониятлар.

Мингйиллик декларациясида расмийлаштирилган ривожланиш соҳасидаги мақсадларга 2015 йилгача эришишга қаратилган саъй-ҳаракатлар дастури.

4-мавзу. Инновацион ривожланиш йўналишида ижтимоий-иқтисодий тараққиётни ўлчаш ва мониторинглаш

Инсон тараққиёти ўлчовлари. Инсон тараққиёти индекси ИТИ. Инсон тараққиётининг мезонлари ва индикаторлари. Инсон тараққиёти индексида инсон тараққиётининг жиҳатларини акс эттириш. Инсон тараққиёти индекси инсон тараққиётининг муҳим кўрсаткичи сифатида. Инсон тараққиётининг уч ўлчови: узоқ умр кўриш, саводхонлик ва моддий фаровонлик. Инсон тараққиёти индекси (ИТИ)нинг одамлар яшаш даражаси сифатининг ижтимоий ва иқтисодий кўрсаткичларини баҳолашнинг таҳлилий инструменти сифатидаги маъноси. ИТИни ҳисоблаш услуги (1990 йил). ИТИни ҳисоблаш услубида инновацияларнинг ўрни. ИТИ ҳисоблаш услуги (2010 йил). ИТИ ҳисобкитоби учун фойдаланиладиган мақсадли йўналишлар. Таълим интеграл индексининг ҳисоби воситасида билим олиш имкониятини баҳолаш. Таълим индекси таълимнинг ўртача давомийлиги ва кутиладиган давомийлигининг ўртача геометрик индекси сифатида. Кутиладиган

умр давомийлигининг индекси ёрдамида узоқ ва соғлом ҳаёт кечириш имкониятларини баҳолаш. ЯИМнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган улуши кўрсаткичидан фойдаланиш асосида аниқланадиган даромад индекси. ИТИ ҳисоби умрнинг умумий узоқлиги, таълим ва даромад индексларининг ўртача геометриги сифатида.

Тенгсизликни ҳисобга олган ҳолдаги инсон тараққиёти индекси. Тенгсизликни ҳисобга олган ҳолда ИТИни ўлчаш индексларини тузатиш. Тенгсизликни ҳисобга олганда ИТИни ҳисоб-китоб қилиш методикаси. ИТИ катталиги бўйича мамлакатларнинг таснифи ва ўринлаштирилиши. ИТИнинг жуда юқори, юқори, ўрта ва паст гуруҳлари. Давлатларни ИТИ кватриллари асосида таснифлаш. Инсон тараққиётининг замонавий тенденциялари. Инсон тараққиётини глобал миқёсда конвергенция қилиш жараёнлари.

Инсон тараққиётининг кўрсаткичлари даражаларини аниқлаш бўйича ёндашувлар эволюцияси.

Миллий ва минтақавий миқёсларда инсон тараққиётининг интеграл индексларини қўллашнинг хусусиятлари. Статистик маълумотларнинг сифати ва уларга кириш муаммолари. Инсон тараққиётининг бошқа жиҳатларини характерлайдиган индикаторлар: инсон эркинлиги индекси, сиёсий эркинлик индекси, технологик ютуқлар индекси, бошқаришни самарадорлик индекси кўрсаткичлари.

Инновацион ривожланиш индикаторлари. Инновативлик индекси. Инновацияларнинг глобал индекси.

5-мавзу. Замонавий иқтисодий ўсиш ва “Янги иқтисодиёт”. **Иқтисодий ўсишнинг янги моделлари (инсон капитали ўсиши)**

Иқтисодий ўсишнинг асосий назариялари. Иқтисодий ўсиш ва унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш концепциясидаги талқини. Иқтисодий ўсиш муносиб ҳаёт кечириш даражасини таъминлаш воситаси сифатида. Турли концепцияларда иқтисодий ўсиш ва инновацион ривожланишнинг ўзаро боғлиқлиги: иқтисодий ўсишнинг неоклассик назариялари.

Иқтисодий ўсишнинг миқдор ва сифат омиллари ҳамда уларнинг В. Леонтьев моделида, Г. Мюрдалнинг иқтисодий ривожланиш назарияларида иқтисодий ривожланишга қўшган ҳиссаси. С. Кузнец моделида иқтисодий ривожланиш ва унинг динамикаси. Шумпетернинг иқтисодий ривожланиш назарияси. Р. Солоунинг иқтисодий ўсиш неоклассик модели .

Иқтисодий ўсиш ижтимоий тараққиёт манбаи сифатида. Эндоген иқтисодий ўсиш назариялари ва моделлари. Иқтисодий ўсишнинг сабаб ва омиллари таҳлили иқтисодётнинг инновацион

ривожланиш турли концепцияларининг пайдо бўлиш асослари сифатида.

6-мавзу. Инновацион ривожланиш ва жамиятнинг ижтимоий ҳамда иқтисодий табақаланишининг муаммоси

Инновацион ривожланиш турининг ижтимоий бойликлар-кадриятлар соҳаси. ижтимоий-иқтисодий ривожланишга оид миқдор ва сифат ўлчовларининг кўп функциялилиги ва кўпқирралилиги.

Турмуш даражаси ва ривожланиш. “Турмуш даражаси” тушунчаси ва унинг таркиби. Даромаднинг мутлақ ва нисбий кўрсаткичлари. Даромадлар даражасининг асосий ижтимоий-иқтисодий индикаторлари. Аҳолининг яшаш даражасини баҳолашда пуллик харажатлар. Аҳолининг пуллик даромадлари ва харажатлари тузилмаси. Уй хўжаликларини танлама тафтиш қилиш тизими.

Турмуш даражасини баҳолаш умумий ҳисобчилик тизими (УХТ)нинг асосий кўрсаткичлари. Аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот (ЯИМ), аҳолининг тўлов (харид) қобилияти. Истеъмол харажатлари индекси.

Даромадларни тақсимлаш кўрсаткичлари. Даромадларнинг жамият қатламлари ўртасида тақсимланиши. Даромадлар бўйича тенгсизлик даражаси. Даромадларни тақсимлаш кўрсаткичлари: аҳолининг энг юқори ва энг қуйи квинтилён гуруҳлари орасидаги даромадлар нисбати. Джини коэффициенти. Уларни ҳисоблаш методикаси.

Тенгсизлик кўп ўлчовли мураккаб категория сифатида. Даромадлар даражаси бўйича жамиятнинг табақаланиш жараёнлари. Иқтисодий тенгсизликнинг сабаб ва оқибатлари. Дифференциация коэффициентлари, фонд коэффициентлари, Лоренц эгри чизиғи. Уларни ҳисоблаш методикаси. Камбағаллик – ижтимоий иқтисодий ҳодиса сифатида. Камбағаллик: унинг сабаблари ва аниқловчи омиллари. Камбағалликни аниқлашга ёндашувлар. Кўп ўлчовли камбағаллик тушунчаси.

Кўп ўлчовли камбағаллик индекси ва уни ҳисоблаш методикаси. Кўп ўлчовли камбағаллик индекси – таълим тарбия, соғлиқни сақлаш ва яшаш даражаси соҳасида битта уй хўжалигида кўпчилик йўқотиш(депривация)лар индикатори. Кўп ўлчовли камбағаллик индекси иккита кўрсаткичнинг интеграл индекси сифатида: камбағалликнинг кўп ўлчамли коэффициенти ва камбағалликнинг интензивлик (ёки масштаб) коэффициенти.

Мамлакатлар бўйича кўп ўлчовли камбағалликнинг қиёсий таҳлили. Камбағалликка қарши кураш стратегиясини ишлаб чиқишда инновацион ривожланиш роли, камбағалликни бартараф этиш бўйича ҳаракатларни ташкил этиш.

Ижтимоий чегараланиш (Social Exclusion) камбағалликнинг намоён бўлиш шакли сифатида. «Ижтимоий фаоллик» (Social Inclusion) ва «ижтимоий чегараланиш» тушунчаларининг таърифи.

7-мавзу. Инновацион ривожланиш стратегиясининг асослари сифатида Билимлар иқтисодиётининг шаклланиши

Билимлар иқтисодиётининг (шаклланиши) – инновацион ривожланиш стратегиясининг асослари сифатида.

“Билимлар иқтисодиёти” тушунчаси. Ресурс сифатидаги билимлар концепцияси. Билимлар концепцияси маҳсулот сифатида. Кодланган билимлар концепцияси. Билимлар иқтисодиёти концепцияси ахборот жамияти ривожланишининг энг муҳим натижаси сифатида.

Билимлар иқтисодиёти асослари. Ўқимишли ва профессионал тайёрланган истеъдодли аҳолининг мавжудлиги, билимларни яратиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш. Кучли инновацион инфратузилма. Билимлар иқтисодиёти билимлар бозори, хизматлар бозори ва меҳнат бозоридан иборат 3 та бозорнинг бирикиши сифатида.

Билимлар иқтисодиётида инсоннинг роли. Интеллектуал капитал. «Интеллектуал капитал», «интеллектуал активлар» ва «интеллектуал мулк» тушунчаларига ойдинлик киритиш. Интеллектуал капитал тузилмаси: инсон капитали, тузилмавий, ташкилий ва мижоз капитал активлари: таркиби ва таснифи. Тузилмавий капитал. Ижтимоий капитал. Инновацион капитал.

Билимлар иқтисодиётини ўлчаш. “Билимлар-ривожланиш учун” («2004 Knowledge for Development – K4D») дастури-ривожланишнинг инновацион моделига ўтишга у ёки бу давлатнинг тайёрлигини интеграл баҳолашга комплекс ёндашув.

Билимлар иқтисодиётининг агрегатланган индекси (ўртача тўрт индекс сифатида): 1) Институционал режим индекси, 2) Таълим индекси, 3) Инновациялар индекси, 4) Ахборот технологиялари ва коммуникациялар индекси. Билимлар индекси.

Инновацион жамият – билимларга таянган жамият. Билимлар жамиятини шакллантиришнинг ижтимоий жиҳатлари. Инсон тараққиёти билан ўзаро боғлиқлиги.

Билимлар иқтисодиётида таълимни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари. Таълим таркиби(мазмун)ни янгилаш. Таълим гуманизацияси ва экологизацияси, ижодий педагогикани

ривожлантириш. Ўқитиш жараёнини ахборотлаштириш. Узлуксиз таълим тизими ва унинг инновацион жамият шаклланишидаги роли.

8-мавзу. Глобаллашув ва инновацион ривожланиш. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва унинг ривожланишнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатларига таъсири

Глобаллашув ва инновацион ривожланиш. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва унинг инновацион ривожланишнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатларига таъсири.

Жаҳон иқтисодиёти глобаллашувининг асосий тавсифлари. Глобаллашув жараёни замонавий босқичдаги инсоният тараққиётининг умумий вазияти сифатида. Глобаллашув жараёнининг тезлашишига имкон берувчи омиллар. Замонавий глобаллашувнинг асосий ўзига хос хусусиятлари. Глобаллашув жаҳон хўжалик алоқаларининг ривожланиши сифатида. Глобаллашув меҳнат, капитал, товарлар ва ахборот мобиллигининг ўсиш омили сифатида. Иқтисодий самарадорлик ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг янги истиқболлари.

Глобаллашув жараёни ва инновацион ривожланишнинг турли жиҳатлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва уларнинг ўзаро таъсири.

Ахборот-коммуникатив глобаллашув. Глобаллашув модернизацияни тезлаштирувчи катализатор сифатида. Инсон тараққиётида янги ахборот-коммуникатив технологияларни ўзлаштириш. Ҳолатлар доирасидаги глобаллашув, маданий глобаллашув. Иқтисодий глобаллашув. Геоисий глобаллашув.

Глобаллашув жараёнининг замонавий тўсиқлари ва рисклари. Экология ва атроф муҳит муаммоларининг кескинлашиши. Иқтисодий тенгсизликнинг ўсиши, дунёнинг турли минтақаларидаги ҳаёт даражасидаги бузилишнинг кучайиши. Молиявий ва валютавий инқироз рисклари. Миграция оқимларини бошқариб бўлмашлик (бош бошдоқлик). Трансмиллий хавфнинг пайдо бўлиши. Анъанавий кадриятларнинг бузилиши.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва унинг инновацион ривожланишга таъсири. Глобал молиявий инқирознинг пайдо бўлиш сабаблари. Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар учун молиявий иқтисодий инқирознинг кўлами, чуқурлиги ва оқибатлари. Молия-валюта тизими, миллий кредит институтларининг капиталнинг капиталлаштирилиши ва ликвидлиги уларнинг хорижий ва корпоратив банк тузилмаларига, олтин валюта захиралари ўлчамларига ва чет эл кредитларини тўлаш қобилиятига боғлиқлиги. Мамлакатлар

иқтисодиётининг барқарорлик диверсификацияси ва рақобатбардошлилик даражаси.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ва унинг оқибатларидан огоҳлантирувчи ҳамда юмшатувчи омиллари. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозинининг таъсирини юмшатишнинг инқирозга қарши дастури ва Ўзбекистонда унинг оқибатларини бартараф этиш. Банк тизимини қўллаб-қувватлаш, модернизациялаш техникавий янгилаш ва ишлаб чиқаришни диверсификациялаш инқирозни бартараф этиш ва Ўзбекистоннинг жаҳон бозорида янги хорижий давлатларга чиқишининг устувор йўналишлари сифатида. Кенг қўламли инновацион технологияларни жорий этиш, корхона экспортчиларини қўллаб-қувватлаш бўйича уларнинг ташқи бозорлардаги жорий конъюнктуранинг кескин ёмонлашуви шароитларидаги рақобатбардошлилигини таъминлашга қаратилган аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш, экспорт учун қўшимча рағбатларни яратиш ҳамда иқтисоднинг қаттиқ режимини киритиш. Ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот тан нархини пасайтиришни рағбатлантириш ҳисобига корхоналарнинг рақобатбардошлилигини ошириш, ички бозорда талабни рағбатлантириш йўли билан миллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш. Яшаш сифатини ва қишлоқ қиёфасини яхшилаш, унинг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини жадал ривожлантиришга йўналтирилган узоқ муддатли чора-тадбирларнинг кенг мажмуини амалга ошириш. Аҳолининг ҳаёт даражасини оширишнинг зарур чора-тадбирлари сифатида ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, аҳолини тоза ичимлик суви, энергия таъминоти тизими билан таъминлаш ва ижтимоий соҳа иншоатларини барпо этиш.

9-мавзу. Инновацион сиёсатнинг мамлакат халқаро рақобатбардошлилигини оширишга таъсири

Инновацион ривожланиш мамлакат халқаро рақобатбардошлигининг муҳим омили сифатида. Инновациялар глобал рақобат омили сифатида. **М.Портернинг мамлакат халқаро рақобатбардошлилиги назарияси.** Инновацион салоҳият ва унинг рақобатбарли ривожланишга таъсири. Халқаро корпорацияларнинг мультилокал даражадан глобал даражадаги корпорацияларга айланиши. Юқори даражадаги инвестицияларнинг илмий изланиш ва тадқиқот ишларига йўналтирилишининг қўллаб-қувватланиши. “Портер ромби”: ишлаб чиқариш омиллари учун шарт-шароитлар; талаб ҳолати. Ўзаро боғлиқ ва қўллаб-қувватловчи тармоқлар, маҳаллий компанияларнинг

мустаҳкам стратегияси, тузилмаси ва ҳамкорлиги. Инновацион фаолият рақобатдаги устунлик, унинг стратегик жиҳати сифатида.

Инновацион бизнесни ташкил этиш – глобал рақобатда муваффақиятнинг бош омили сифатида.

Дунё мамлакатлари бўйича инновацион ва рақобатбардошлилик индексларининг қиёсий таҳлили. Илғор мамлакатлар бўйича илмий ва технологик фаоллик даражасини қиёслаш (main science and technology indicators - MSTI).

“Очиқ инновациялар” концепцияси: замонавий тенденциялар. Очиқ инновациялар ни бошқариш тажрибасини татбиқ қилиш.

10-мавзу. Инновацион ривожланишнинг макроиқтисодий кўрсаткичларга таъсирини баҳолаш

Макроиқтисодий муҳитнинг мамлакатнинг инновацион ривожланиш имкониятларига таъсири. Инновацион ривожланиш даражасини баҳолаш учун фойдаланилаётган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар.

Инновацион ривожланишини баҳолаш учун фойдаланилаётган интеграл кўрсаткичлар, уларнинг асосий устуворлик ва камчиликлари.

Институционал муҳит индекслари, инсон капитали индекси, ҳуқуқий базис индекслари, ва R&D (тадқиқот ва ривожланиш) ҳамда ахборот-коммуникатив технологиялари индекслари асосида **инновацион ривожланишнинг интеграл индексини ўлчаш методикаси.**

Жаҳон мамлакатлари инновацион ривожланиш индекси бўйича рейтингининг қиёсий таҳлили.

11-мавзу. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг институционал жиҳатлари

